

**Ithomjon I. BEKMIRZAYEV,**  
*Doctor of Historical Sciences, Professor*  
*International Islamic Academy of Uzbekistan*  
*A.Qadiri str. 11, 100011, Tashkent, Uzbekistan*  
*E-mail: ilhomorient@gmail.com*

**Sherzod A. UMARALIYEV,**  
*Lecturer of the ICESCO Department for Islamic*  
*Studies and Studying Islamic Civilization,*  
*International Islamic Academy of Uzbekistan*  
*A.Qadiri str. 11, 100011, Tashkent, Uzbekistan*  
*E-mail: sherzodjon.umaraliev@gmail.com*

DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2024-4/1

### ХIII АСР МОВАРОУННАХРДА ХАНАФИЙ ФИҚХ СОҲАЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

### TRENDS IN THE DEVELOPMENT OF HANAFI JURISPRUDENCE IN 13TH- CENTURY MAWARANNAHR

### ТЕНДЕНЦИИ РАЗВИТИЯ ХАНАФИТСКОГО ФИКХА В МАВЕРАННАХРЕ XIII ВЕКА

#### КИРИШ

Мовароуннахрда Сомонийлар ҳукмронлиги (ҳукм. даври 875-999 йй.) даврида ханафий мазҳаби кенг ёйилган. Сомонийлар томонидан дастлаб Самарқанд, сўнгра Бухоро шаҳри пойтахт этиб белгиланиши мазкур икки шаҳарнинг илмий марказга айланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Хоразм ва Жужон шаҳарларида очилган кўплаб мадрасалар минтақада Ироқ ва Хуросон ўлкасидан фарқли анъаналарга эга Мовароуннахр ханафий фикҳи мактаби юзага келишига сабаб бўлди (Sönmez Kutlu, 2017:16). Баъзи ғарблик тадқиқотчилар ушбу фикҳ мактабини «Шарқ ханафий мактаби», деб ҳам номлаган (Wilferd Madelung, 2002:369). Минтақадаги илмий марказларда кўплаб ханафий олимларининг етишиб чиқиши Мовароуннахрда Бухоро, Самарқанд, Фарғона, Хоразм ва Шош каби фикҳий марказларининг шаклланишига олиб келди. Мазкур мактаблар вакиллари томонидан чиқарилган шаръий ҳукмлар кейинги

давр ханафий олимлари асарларида «Бухоро, Самарқанд, Фарғона ва Балх машойихи фатволари» каби номлар билан зикр этилган (Meirbek Kalmanov, 2020:31).

Мовароуннахрда ханафий фикҳига оид дастлабки асар Имом Мотуридий томонидан ёзилган «Маохиз аш-шарое» номли усул ал-фикҳга оид асар саналади. Бунга қадар Самарқандда фаолият юритган «Дор ал-жужжония» мактаби олимларига мансуб бирор асар ҳақида маълумот етиб келмаган.

Баъзи олимлар ханафий мазҳаби асосчиларидан Имом Абу Юсуф ва Имом Муҳаммаднинг усул илмига доир асар ёзгани қайд этадилар (Сарахсий, 2010:245). Бироқ, ушбу хулоса фикҳий масалаларда эмас, балки эътиқодий ҳукмларга оид саналади. Мовароуннахр фақиҳлари эса, мазҳаб асосчиларининг фуру соҳасига тегишли фатволаридан усул қоидаларини ишлаб чиққанлар. Шу сабабдан, ханафий мазҳаби усул ал-фикҳ илми ривожда Мовароуннахр фақиҳларининг ўрни катта.

#### АСОСИЙ ҚИСМ

Дастлабки шофеий ёки мўътазилий олимларининг усулдаги аслий қоидалари зид бўлмаса ҳам фуруда кўплаб масалаларда ханафийлардан фарқланадилар. Шу сабабли, Мовароуннахр фақиҳлари юқоридаги бошқа мазҳаб олимлари томонидан ишлаб чиқилган қоидалардан мустақил равишда ханафий мазҳаби асосчилари фатволаридан усул қоидаларини чиқариб олганлар. Бу тўғрисида Алоуддин Самарқандий «Мезон ал-усул» асарида: «Усул ал-фикҳ мавзусида асарларнинг аксари бизга муҳолиф бўлган ҳадис аҳлига тегишли. Биз уларнинг асарларига таяна олмаймиз. Бизнинг мазҳабимиздаги олимларнинг асарлари эса икки қисмдир. Биринчи қисм, усул ва фуруни яхши эгаллаган олимлари томонидан ёзилган асарлар бўлиб, улардан энг ишонарлиси Абу Мансур Мотуридийнинг (в. 333/994) «Маохиз аш-шаръ ва-л-жадал» (Маохиз аш-шарое) асаридир. Иккинчи қисм, қоидаларни самъий далиллардан чиқаришга асосланган олимлар томонидан ёзилган бўлиб, уларда қоидалар яхши тартибда мукамал савияда ёзилган. Бироқ, ушбу турдаги олимлар усулнинг нозик жиҳатларини билмасликлари ва ақлий масалаларда моҳир

**Аннотация.** XIII асрда Мовароуннахр минтақасида ҳанафий мазҳабининг ривожланиши жуда муҳим босқичга етди. Бу даврда Мовароуннахрнинг фақиҳлари ҳанафий мазҳабининг ичида янги ва мустақил фан соҳаларини ташкил этишига қарор беришди. Ушбу соҳаларга фикҳий истилоҳлар, қироатдаги хатоларни тушуниш, фатво бериш асослари ва хилоф илмининг тафсилотлари каби муҳим мавзулар киради. Ушбу фан соҳалари ҳанафий мазҳаби доирасида янги бир жараёни бошлади ва шунингдек, бу соҳаларнинг ривожланишига ҳам назар ташлади.

Ушбу жараёнда Нажмуддин Насафий, Алоуддин Самарқандий, Сирожуддин Ўший ва Фахруддин Қозихон каби кенг билимга эга бўлган ва муҳим илмий мерос қолдирган олимлар катта роль ўйнади. Улар нафақат ҳанафий мазҳабининг зояларини ривожлантиришига, балки ўз вақтларидаги диний ва ижтимоий ҳолатларга мос келадиган илмий назарияларни ишлаб чиқишига ҳам ўз ҳиссаларини қўшганлар. Бу олимлар ҳар бири ўз асарлари орқали фикҳий таълимотлар, тафсир ва фатвочилик соҳасини мукаммаллаштиришига интилишган.

Мақолада мазкур фан соҳаларининг пайдо бўлиш жараёнлари ва уларнинг ривожланиш сабаблари тўғрисида аниқ маълумотлар берилади. Мазкур ривожланишининг сабабларини ва унинг босқичларини ўрганиш фақат фикҳий таълимотларнинг наслларга ўтишини, балки мусулмон жамиятининг маънавий ва ижтимоий ривожини билан ҳам боғлиқ.

**Калим сўзлар:** Мовароуннахр, ҳанафий фикҳи, Нажмуддин Насафий, Алоуддин Самарқандий, Сирожуддин Ўший, Фарғона, Самарқанд, «Залла ал-қори», «ал-Манзума фи ал-хилоф», «Мезон ал-усул», «ал-Фатовои ас-сирожия», «Фатовои Қозихон».

**Abstract.** The 13th century marked a significant stage in the development of the Hanafi madhhab in the region of Mavarannahr. During this period, scholars in Mavarannahr embarked on the establishment of new and independent branches of study within the framework of the Hanafi madhhab. These areas of study encompassed critical topics such as jurisprudential terminology, identifying errors in Quranic recitation, the principles of issuing fatwas, and the intricate science of legal differences (khilaf). These emerging disciplines not only initiated a transformative process within the Hanafi tradition but also significantly contributed to its evolution.

Key figures such as Najmuddin Nasafi, Alauddin Samarkandi, Sirajuddin Ushi, and Fakhruddin Qazikhan played pivotal roles in this scholarly advancement. These scholars were instrumental in developing the principles of the Hanafi madhhab while also crafting intellectual frameworks that addressed the religious and social needs of their time. Through their works, they sought to refine the disciplines of fiqh, tafsir, and fatwa, leaving an enduring scholarly legacy.

This article explores the genesis of these specialized fields, the reasons behind their development, and the stages of their progression. Understanding these processes not only illuminates the transmission of fiqh teachings across generations but also reveals their deep connection to the spiritual and social evolution of the Muslim community.

**Keywords:** Mavarannahr, Hanafi jurisprudence, Najmuddin Nasafi, Alauddin Samarkandi, Sirajuddin Ushi, Fergana, Samarkand, Zalla al-qari, al-Manzuma fi al-khilaf, Mizan al-usul, al-Fatawai as-sirajiya, Fatawai Qadikhan.

**Аннотация.** В XIII веке в Мавераннахре развитие ханафитского мазхаба достигло важного этапа. В этот период факихи Мавераннахра приняли решение создать новые и независимые области науки в рамках ханафитского мазхаба. Эти области включают важные темы, такие как терминология, ошибки в чтении Корана, основы дачи фетв и детали науки о разногласиях. Эти области науки начали новый процесс в рамках ханафитского мазхаба и способствовали его дальнейшему развитию.

В этом процессе большую роль сыграли ученые с глубокими знаниями и важным научным наследием, такие как Наджмуддин Насфи, Алоуддин Самарканди, Сирожуддин Уший и Фахруддин Козихон. Они не только развивали идеи ханафитского мазхаба, но и внесли свой вклад в разработку научных теорий, соответствующих религиозной и социальной ситуации своего времени. Каждый из этих ученых стремился усовершенствовать фикхийские учения, тафсир и фетвоведение через свои труды.

В статье предоставляются точные данные о процессе появления этих областей науки и их причинах, а также о стадиях их развития. Изучение причин этого развития и его этапов связано не только с переходом фикхийских учений к следующему поколению, но и с духовным и социальным развитием мусульманского общества.

**Ключевые слова:** Моваруннахр, Ханафитский фикх, Наджмуддин Насафи, Алоуддин Самарканди, Сираджуддин Уши, Ферғана, Самарқанд, «Залла аль-қари», «аль-Манзума фи аль-хилаф», «Мезон аль-Усул», «ал-Фатавои ас-сираджия», «Фатавои Казихан».

эмасликлари туфайли баъзи мавзуларда бошқа мазҳаб вакиллари қарашларига мурожаат этишга мажбур бўлдилар. Аммо, бу ишлари биринчи гуруҳ олимлари қарашларига мазмунан тўғри келмаслиги ортидан фикрларидан қайтдилар ва уларга эргашилди (Алоуддин Самарқандий, 1984:5). XII асрнинг йирик ҳанафий фақиҳи бўлган Алоуддин Косонийнинг ушбу сўзларидан ҳанафий мазҳаби фуру қоидалари билан бирга усул қоидалари ҳам бошқа мазҳаб қоидаларидан кескин фарқ қилиши маълум бўлади. Раъй аҳли ҳадис аҳлига эргаша олмаслиги таъкидлангач, мазкур масалада энг ишончли манба сифатида Имом Мотуридийнинг «Маъхаз аз-шаръ ва-л-жадал» асари кўрсатилмоқда. Шунингдек, кейинги давр, хусусан XII аср фақиҳлари гарчи баъзи масалаларда бошқа мазҳаб эгалари қарашларига таянган бўлсалар ҳам, уларнинг мазкур хулосалари мазҳабнинг усул қоидаларини ишлаб чиққан олимлар қарашларига зид келгани туфайли ўзларидан олдингиларга эргашишга мажбур бўлганлари айтилмоқда. Демак, ҳанафий мазҳаби усул қоидаларини ишлаб чиқиш XII асрда ҳам давом этган. Бирок, ушбу даврдаги уринишлар Алоуддин Самарқандий каби мовароуннаҳрлик фақиҳлар томонидан тўғри эмаслигини исботланиши ортидан тўхтаган.

Алоуддин Самарқандийнинг юқоридаги хулосаси тўғри эканини Имом Муҳаммаднинг шогирди ва Имом Шофеийнинг «ар-Рисола» асарида келган фикрларини қабул қилган ироқлик ҳанафий фақиҳи Исо ибн Обоннинг (ваф. 221/836) мулоҳазалари тасдиқлайди. Хатиб Бағдодийнинг келтиришича, Исо ибн Обон қозилик фаолияти давомида ҳам муҳолифларнинг усулий қоидалари асосида ҳукм чиқарган. (Хатиб Бағдодий, 2015:390). Гарчи, Абу Бакр Жассос уни танқид қилса-да (Абу Бакр Жассос, 1994:103), у шофеий фақиҳи Имом Нававий томонидан шофеий мазҳаби қарашларини ривоят қилгани туфайли «ишончли ровий», деб тан олинган (Имом Нававий, 2008:105). Демак, ҳанафий усул олимлари ўртасида бошқа мазҳаб қарашларига мурожаат этиш Имом Мотуридий даври ва кейинги бир неча юз йилда ҳам давом этган. Ушбу қарашларнинг тўғри эмаслигига урғу айнан XII асрда Алоуддин Самарқандий томонидан берилиши, мазкур даврдан бошлаб ҳанафий усул қоидаларининг мовароуннаҳрлик фақиҳлар томонидан ривожлантириб борилганини кўрсатади. Албатта, Алоуддин Самарқандийнинг

Алоуддин Косоний, Фахруддин Қозихон ва Сирожуддин Ўший каби мужтаҳид даражасидаги фақиҳларга фикҳда таълим бериши олимнинг юқоридаги хулосалари аллома Ўший фаолиятида ҳам кўринади. Хусусан, «ал-Фатово ас-Сирожия»нинг кўплаб ўринларида бир масала юзасидан чиқарилган ҳукмнинг ҳанафий ва шофеий мазҳабларидаги фарқли жиҳатларини кўрсатиб берилиши бунга мисол бўла олади (Сирожуддин Ўший, 2011:59).

Ҳанафий мазҳаби усул қоидаларига бағишланган дастлабки асарлардан бири Абул Ҳасан Кархийнинг (ваф. 339/951) «Усул ал-Кархий» рисоласи бўлиб, ҳажми 8 саҳифадан иборат. Мазкур рисола кичик ҳажмли бўлгани туфайли ўтган асрда Қоҳирада Абу Зайд Дабусийнинг «Таъсис ан-назар» асари билан чоп этиб келинган (Абул Ҳасан Кархий, 2007:96). Абул Ҳасан Кархийдан сўнг унинг шогирди Абу Бакр Жассос (ваф. 370/981) томонидан ҳам «ал-Фусул фи ал-усул» асари ёзилган ҳолда усул қоидаларини ишлаб чиқиш анъанаси давом эттирилди.

Аксар ҳанафий олимлари наздида, мазҳабга тегишли усул қоидалари бухоролик фақиҳ Абу Зайд Дабусий (ваф. 430/1039) томонидан ўрнатилган (Хайруддин Зириклий, 2002:109). Усул қоидалари унинг «Тақвим ал-адилла» ва «Таъсис ан-назар» номли икки асарида ёритилган. Абу Зайд Дабусий мазкур қоидаларни белгилашда ўзидан олдинги икки олим, Абул Ҳасан Кархий ва Абу Бакр Жассослар қарашларига таянган бўлса-да, ўрни келганда улар кўтарган масалаларга янада чуқур киришиб, ўзининг қарашларини илгари сурган. Шу билан бирга, ҳанафий мазҳабининг бошқа мазҳаблардан фарқли қоидаларини аниқ кўрсатиб, ушбу жиҳатларга ҳам тўхталган (Абу Зайд Дабусий, 2001:42).

Абу Зайд Дабусийдан сўнг ҳанафий усул қоидаларини ишлаб чиқиш анъанаси Фахрулислом Паздавий (ваф. 482/1089)нинг «Канз ал-вусул ила маърифат ал-усул» асари асосида давом этди. Мазкур асар ҳанафий олимлари ўртасида машҳурликка эришди ва унга бир қанча шарҳлар ёзилди. Унинг энг машҳур ва дастлабки шарҳи XIV асрда Абдулазиз Бухорий (ваф. 730/1330) томонидан ёзилган «Кашф ал-асрор» асари саналади.

Фахрулислом Паздавий ортидан унинг замондоши Шамсулаимма Сарахсий (ваф. 490/1090) ўзининг «Усул ас-Сарахсий» асарини

ёзган. Кейинги давр ханафий фақиҳларидан XII асрда Алоуддин Самарқандийнинг «Мезон ал-усул» ва XII асрда Хусомуддин Ахсикатий (ваф. 644/1246)нинг «ал-Мунтахаб» асарларида усул қоидалари айнан Фахрулислом Паздавий ва Шамсулаимма Сарахсий қарашларига таянган ҳолда ёритилган. Ушбу икки олим эса, ўз асарларини Абу Зайд Дабусий ишлаб чиққан қоидалар асосида шакллантирганлар. Демак, XII-XIV асрларда Мовароуннаҳрда ханафий усул ал-фикҳ илмини ўрганиш бухоролик фақиҳ Абу Зайд Дабусий қарашларига асосланади.

### МУҲОКАМА

XIII асрга келиб, ханафий фақиҳлари мазҳабнинг усул қоидаларини мутакаллимлар усул қоидалари билан жамлаган ҳолда ўрганишга киришдилар. Ушбу туркумдаги асарлардан машхури шомлик ханафий фақиҳи Музаффаруддин ибн Соатий (ваф. 694/1295)нинг «Бадий ан-Низом ал-жоме байна китобай ал-Баздавий ва ал-Иҳком» номли асари саналади. Кейинги даврда Садрушшариа Убайдуллоҳ ибн Масъуд (ваф. 792/1390)нинг «Танқеҳ ал-фусул» номли асарида ҳам усул қоидаларини ёритишда Паздавийнинг «Усул»и ҳамда Ибн Ҳожибнинг «Мухтасар»ига асосланган.

Мовароуннаҳр минтақаси XI асрга келиб ханафий фуру ал-фикҳ соҳаси ривожланишининг бош марказига айланди. Абу Али Насафий (ваф. 424/1033 й.), Шамсулаимма Ҳалвоний (ваф. 452/1060 й.), Абул Ҳасан Суғдий (ваф. 461/1069 й.), Абу Наср Исфижобий (ваф. 480/1087 й.), Абул Уср Паздавий (ваф. 482/1089 й.) ҳамда Абу Бакр Хоҳарзода Бухорий (ваф. 483/1090 й.) каби олимлар фуру соҳасига оид таянч манбаларни тақдим этдилар. Улардан Шамсулаимма Ҳалвоний «Зоҳир ар-ривоя» туркумидаги олтита асарнинг барчасига шарҳ ёзди. Абул Ҳасан Суғдийнинг «ан-Нутаф фи ал-фатово» асари фатво туркумидаги мўътабар манбага айланди. Шунингдек, Абу Наср Исфижобийнинг «Мухтасар ат-Таҳовий» асарига ёзган шарҳи кўплаб ханафий олимлари мурожаат этган манбага айланди. Ушбу даврда ижод этган яна бир фақиҳ Абу Бакр Хоҳарзода энг салмоқли илмий мерос қолдирган олимга айланди. «Зоҳир ар-ривоя» тўпламидаги олтита асрга шарҳ ёзиш билан бирга, «Фатовои Хоҳарзода»,

«ал-Мухтасар», «ат-Тажнис», «Шарҳ ал-Адаб ал-қозий», «ал-Изоҳ» ва «Китоб аз-заҳира» каби машхур асарларни ҳам таълиф этди. Шу туфайли Абу Бакр Хоҳарзода «Абу Ҳанифа иккинчи» лақабини олди (Абдулқодир Қурайший Ҳанафий, 2008:297).

XII асрга келиб, юқоридаги олимлар илмий меросини Абул Муин Насафий (ваф. 508/1115 й.), Шамсулаимма Заранжарий (ваф. 512/1118 й.), Абу Саид Кушоний (ваф. 520/1126 й.), Имоуддин Ломиший (ваф. 552/1128 й.), Хусомуддин Садрушшаҳид (ваф. 536/1141 й.), Нажмуддин Насафий (ваф. 537/1142 й.), Алоуддин Самарқандий (ваф. 539/1144 й.), Абул Фатҳ Ўсмандий (ваф. 552/1157 й.), Сирожуддин Ўший (ваф. 575/1179 й.), Абу Бакр Косоний (ваф. 587/1191 й.), Фахруддин Қозихон (ваф. 592/1196 й.) ва Бурхонуддин Марғинонийлар (ваф. 593/1197 й.) давом эттирди. XIX асрда вафот этган ҳамда ханафий мазҳабининг сўнги мужтаҳиди сифатида эътироф этилган Ибн Обидинга кўра, XII асрда Мовароуннаҳрда ханафий мужтаҳидларининг «тахриж» даври ниҳоясига етиб, «таржих» даври бошланган (Муҳаммадамин ибн Обидин, 2021:260). Ушбу алмашув даври айнан Мовароуннаҳр олимлари томонидан амалга оширилгани диққатга сазовор.

Мазкур асрда фаолият юритган ҳамда ақида илмида машхур бўлган мотуридий олим Абул Муин Насафийнинг фикҳга оид «Шарҳ ал-Жомеал-кабир» ва «Изоҳ ал-Маҳажжа фи кавн ал-ақл ал-хужжа» асарлари сақланиб қолмаган. Бироқ, унинг усул ва фаръий масалаларга оид қарашлари ханафий мазҳабининг энг йирик олимлари саналган Нажмуддин Насафий, Алоуддин Самарқандий, Абул Юср Паздавий, Абул Ҳасан Балхий ва Исмоил Толлиқоний каби шогирдлари асарларида акс этди (Алоуддин Самарқандий, 1984:105). Шу жиҳатдан Абул Муин Насафийни XII аср Мовароуннаҳр фикҳи ривожига тамал тошини қўйган олимлардан бири, дейиш мумкин.

XII асрда Мовароуннаҳрда фикҳ ал-муқорин (киёсий фикҳ) соҳаси ҳам ривож топди. Ушбу соҳага Абу Зайд Дабусий «Таъсис ан-назар», Нажмуддин Насафий «ал-Манзума фи ал-хилофийёт» асарлари билан асос солган бўлса, мазкур асрда Алоуддин Косоний «Бадое ас-саное» асари билан соҳани ривожлантирди. Ибн Обидинга кўра, «Бадое ас-саное» асари ханафий фуру соҳасида Шамсулаимма Сарахсийнинг «Мабсут» асари каби мўътабар манба саналади (Муҳаммадамин

ибн Обидин, 2021:322). Алоуддин Косоний ушбу асарда ханафий мазхаби асосчилари бўлган Абу Ҳанифа, Абу Юсуф ва Имом Муҳаммадларнинг қарашларини Имом Шофеий қарашларига киёслайди. Гоҳида ханафийлардан Имом Зуфар ва Ҳасан ибн Зиёд каби Абу Ҳанифа шогирдлари қавлларини юқоридаги олимлар қарашларига таққослайди. Агар, бир масалада мазҳаб имомлари ўртасида яқдил фикр мавжуд бўлмаса, уларнинг қарашларини тадқиқ қилган Абул Ҳасан Кархий, Абу Бақр Жассос, Имом Таҳовий каби дастлабки ханафийлар фикрларини келтиради. Шунингдек, Алоуддин Косоний ўз замонасига яқин яшаган мовароуннаҳрлик Имом Мотуридий, Қози Исфижобий, Шамсулаимма Сарахсий ҳамда Алоуддин Самарқандий қабиларнинг фатволаридан ҳам фойдаланган. Бундан маълум бўлади-ки, минтақа фақиҳларининг асарларида фаръий масалаларга қиёсий ечим бериш аввалдан мавжуд бўлган ҳамда мавжуд қарашларнинг салмоқли улуши янги соҳасига асос солишга туртки бўлган.

Минтақада қиёсий фикр билан шуғулланиш XII-XIV асрларда ҳам ривож топди. Сирожуддин Ўший бу борада Нажмуддин Насафийнинг «ал-Манзума фи ал-хилофиёт» асарига шарҳ ёзди. Мазкур асар тўрт мазҳаб асосчилари қарашларини таҳлил қилади ҳамда ханафий мазҳабининг устун жиҳатларини кўрсатиб ўтади. Сирожуддин Ўшийнинг ушбу асарга шарҳ ёзиши олимнинг тўрт мазҳаб фикри доирасида ҳам етук билим эгаси бўлганига ишора қилади. Афсуски, олимнинг таржимаи ҳоли ёритилган манбаларда унинг шу номдаги асари борлиги айтилса-да, ушбу асарнинг бизгача етиб келгани маълум эмас.

Ушбу соҳада Фарғона водийсидан етишиб чиққан олим Имоуддин Ломиший «Машрик ал-анвор фи Мушкил ал-осор» ва «ал-Муқаддима фи раф ал-ядайн фи ас-салот» асарларини ёзди. Ушбу икки асарда олим ханафий мазҳабининг ҳадислардан ҳукм олиш услубларини очиб бериш баробарида шофеий мазҳабига қарши далилларни зикр қилади.

Самарқанд фикр мактабининг йирик вакили Нажмуддин Насафий (ваф. 537/1142 й.) XII асрда ханафий фикри истилоҳларига оид «Тилба ат-талаба» (Талабаларнинг излаган нарсаси) асарини ёзиш билан янги йўналишга асос солди. Кейинчалик бу китоб Мовароуннаҳр мадрасаларида фикрий атамаларни тушуниш мақсадида мурожаат этиладиган муҳим манбага

айланди. Айнан шу асарнинг охирида Носируддин Мутарризий Хоразмий (ваф. 610/1213 й.) томонидан ҳам ханафий фикри истилоҳларига оид «ал-Муғриб фи тартиб ал-муъриб» (Фасоҳатли сўзларни содалаштириш) асари ёзилди. Носируддин Мутарризий ўзининг китобини Нажмуддин Насафий келтирмаган кўплаб истилоҳлар билан бойитди. Шунингдек, Нажмуддин Насафий атамаларни фуру ал-фикр китоблари мавзулари бўйича тартиблаган бўлса, Носируддин Мутарризий атамаларни алифбо тартибида келтириш орқали ўқувчига истилоҳларни топиш имконини содалаштирди. Бугунги кунга қадар икки олимнинг асарлари ханафий фикри истилоҳлари борасида муҳим қўлланма вазифасини бажариб келмоқда.

Нажмуддин Насафий ханафий мазҳабни фикрига доир яна бир йўналиш асосчиси ҳисобланади. Олим «Залла ал-қорий» (Қироат қилувчининг тойилиши) номли китобида намоздаги фарз даражасидаги қироатнинг тўғри бўлиш шартларини баён қилади. Гарчи, қироатнинг тўғри бўлиши борасидаги қарашлар Шамсулаимма Сарахсийнинг (ваф. 490/1090 й.) «Мабусут» ёки Ҳусомуддин Садрушшаҳиднинг (ваф. 536/1141 й.) «ал-Фатово ал-қубро» каби фуру соҳасига оид китобларида алоҳида фасллар орқали зикр қилинган бўлса ҳам Нажмуддин Насафийга қадар мустақил китоб шаклида ҳеч бир иш амалга оширилмаган эди. Олим мазкур асарда қироатнинг тўғри бўлиш шартларини мустақил бобларга ажратди. Шу билан бирга, араб бўлмаган халқларнинг талаффузидаги хатоларнинг қироатга таъсирини алоҳида баён қилди. Унинг мазкур йўналишдаги янгиллиги ўзидан кейинги даврда, айниқса фатово туркумидаги асарларда оммалашди. Эндиликда «ал-Фатово ас-сирожийя», «ал-Фатово ат-тобия», «ал-Фатово ал-оламгирия» каби машҳур фатово тўпламлари ушбу масалага кенгрок ёндаша бошлади. Кейинчалик, XIV асрда дамашклик олим Алоуддин ибн Балабан Ҳанафий (ваф. 739/1338 й.) юқоридаги манбалардан фойдаланган ҳолда «Танбех ал-хотир» (Ёдга олувчига эслагма) номли асар ёзиб, ушбу турдаги масалаларни кенгрок ёритиб берди. Мазкур асар Нажмуддин Насафийнинг «Залла ал-қори» китоби тартиби асосида шакллантирилгани аҳамиятга молик. Шунингдек, Алоуддин ибн Балабан фойдаланган манбалар таркибининг асосий қисмини Мовароуннаҳр олимлари

асарлари ташкил қилиши мазкур минтақада ушбу йўналишга алоҳида эътибор қаратилганини кўрсатади (Аллоуддин ибн Балабан Ҳанафий, 2019:175).

Мазкур даврда Нажмуддин Насафий томонидан ёзилган яна бир «ал-Қанд фи зикри уламои Самарқанд» асари XII аср Мовароуннаҳр фикҳи илми ривожига борасидаги қимматли маълумотларни тақдим этади. Ушбу асарда муаллиф 1010та олимнинг Самарқанддаги фаолияти борасида маълумотлар келтирган. Асардаги маълумотлар асосида Мовароуннаҳрдаги фикҳ илми ўрганилишининг силсилавий асосларини ҳам қўлга киритиш мумкин. Бунда муаллифнинг таржимаи ҳоли ёритилаётган олим борасидаги устоз-шогирд силсиласини келтириши натижасида Самарқанд фикҳ мактабининг қайси минтақа олимларига таъсири бўлганини аниқлаш имконини беради. Хусусан, Бухоро, Насаф, Фарғона, Балх, Хоразм, Хўжанд, Шош ва бошқа илмий марказларда фаолият юритган олимлар Самарқандда бўлиб, илм таҳсил қилганлари ушбу шаҳарнинг Мовароуннаҳрнинг деярли барча ҳудудларга таъсири бўлганини кўрсатади.

Шунингдек, Нажмуддин Насафий «ал-Қанд фи зикри уламои Самарқанд» асарида улардан ҳадис ривоят қилган устозлари ҳақида ёзганида ўша ҳадис санадидаги ровийларни бирма-бир зикр қилиб ўтади. Масалан, Абул Ҳасан Али ибн Муҳаммад Насафий Касбавий таржимаи ҳолида қуйидагиларни келтиради: «Самарқандда бўлиб, у ерда ҳадис тинглаш билан машғул бўлди. Хошминжакас қишлоғида ҳижрий 485-йил Рамазон ойида вафот этди. Насафда ундан адабиёт дарсини олдим ва ҳадисларини эшитдим. (Ундан ёзиб олган) ҳадисларим нухасини йўқотиб қўйдим. Мен унинг хати билан ёзилган (қуйидаги ҳадис)ни кўрдим: «Бизга улуғ шайх Абу Мансур Шужо ибн Али Асбаҳоний хабар берди ва айтди: Бизга Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исҳоқ ибн Муҳаммад ибн Яҳё ибн Мунда Ҳофиз хабар берди ва айтди: Бизга Хайсама ибн Сулаймон хабар берди ва айтди: Сиррий айтди: Бизга Қубайса ибн Суфён Холид ал-Ҳаззодан, у Мутарриф ибн Абдуллоҳ ибн Шиххирдан, у бир аъробийдан эшитди ва у айтди: «Мен Набий саллоллоҳу алайҳи васалламнинг оёқ кийимларини ямоқ ҳолда эканини кўрдим» (Нажмуддин Насафий, 1991:432).

Бундан хулоса қилиш мумкин-ки, Нажмуддин Насафийнинг муҳаддис сифатида ҳадисларни ривоят қилишда ўзининг мустақил силсиласи мавжуд бўлган. Бу эса фикҳ илмида мутлақ мужтаҳидга қўйилган талаблардан бири саналади. Ибн Обидинга кўра, ҳукмий ҳадисларга мустақил санад орқали етиб борган мужтаҳид мазҳабларга эргашмай, янги мазҳаб қуриш имкониятига эга (Муҳаммадамин ибн Обидин, 2021:260). Таъкидлаш жоиз, бундай даражага кам сонли ханафий мужтаҳидлари етиб борган. Жумладан, Абул Ҳасан Кархий, Абу Жаъфар Таҳовий, Абу Бақр Жассос, Фаҳрулислом Паздавий, Алоуддин Самарқандий, Фаҳруддин Қозихон, Бурҳонуддин Марғиноний, Камолуддин ибн Ҳумом каби йирик фақиҳларгина ушбу имкониятга эга бўлган.

XII асрда Мовароуннаҳр фикҳ илми ривожига салмоқли таъсир кўрсатган фақиҳлардан яна бири Алоуддин Самарқандий бўлиб, унинг ханафий усули ва мутақаллимлар усулини тартиб солган қарашлари машҳур. Алоуддин Самарқандий ака-ука Фаҳрулислом ва Абул Юср Паздавийлар ҳамда Абу Муъин Насафий каби йирик намояндалардан таълим олган. Шогирдлари орасидан куёви Алоуддин Косонийнинг борлиги олимнинг устоз-шогирд силсиласи етук фақиҳлардан иборат бўлганини кўрсатади.

Алоуддин Самарқандий усул илмидаги ноёб қарашли туфайли «Шамсунназар» (Фикрий қарашлар қуёши) лақабини ҳам олган. «Мезон ал-усул фи натоиж ал-укул» (Ақлий хулосалар борасидаги усулий қоидалар мезони) асари ушбу олимни усул илмида ўзига хос мавқе қозондирган. Олим ушбу асарни тасниф қилиш сабабини қуйидагича баён қилади: «Мазкур соҳада мукамал китоб ёзишга бўлган заруратлардан бири, усул ал-фикҳга доир асарларнинг аксарини бизга усулда муҳолиф бўлган мўътазилий фирқаси вакиллари ҳамда фаръий масалаларда муҳолиф ҳадис аҳли томонидан ёзилганидир. Бизнинг ушбу асарларга таянишимиз усулда хатога, фаръда эса чалкашмовчиликка олиб келади. Икки хил масалада чалкашликдан сақланиш ҳам ақлан ҳам шаръан вожибдир» (Алоуддин Самарқандий, 1984:4).

Алоуддин Самарқандийнинг фикрича, ханафий мазҳабида усул илмига оид асарлар икки қисмга бўлинади: ҳукмий қоидалар назарияси келтирилган асарлар ҳамда таҳқиқ ва маънолар ниҳоясига етган манбалар. Биринчи қисмга

аслий ва фаръий масалаларни жамлаган Абу Мансур Мотуридийнинг «Маохиз аш-шарое» ҳамда «ал-Жадал» каби асарлар мансуб бўлиб, улар усулий қоидаларни ишлаб чиқишда манба вазифасини ўтайди. Мазкур китоблар масалалари тартибланмагани билан ажралиб туради. Иккинчи қисмга усул қоидалари тартибланган, маънолари очиб берилган, фаръий масалалар орқали мисол келтирилган китоблар мансуб бўлади. Фуқаҳолар айнан шу қисмга мойил бўлганлар ва шу йўналишда усул асарларини ёзганлар. Алоуддин Самарқандий эса, ушбу икки йўналишни жамлаган ва маъноларини очиб берган китоб ёзишни мақсад қилганини изоҳлайди. Шу тариқа икки йўналишнинг камчиликларини тўлдирган «Мезон ал-усул» асарини таълиф қилади. Шу билан бирга, муаллиф аҳли суннага мос келмаган қараш вакилларига қарши раддияларни ақлий мисоллар билан ҳам келтиради. Бу орқали аҳли сунна олимлари, хусусан мотуридия таълимоти вакиллари нақлий далиллардан ташқари мантиқий асосга эга ақлий далилларга ҳам таянишини кўрсатиб беради.

«Мезон ал-усул» асарининг яна бир аҳамиятли жиҳати, Алоуддин Самарқандий усулий масалалар баёнида мўътазилий фирқаси вакиллари қарашларини тўлиғича келтиради. Баъзида уларнинг ўртасидаги ихтилофларни ҳам зикр қилиб, ортидан дарҳол раддия ёзади. Мазкур ёндошув ҳанафийларнинг мўътазилий усулига таяниши ёки баъзи ҳанафий олимларнинг мўътазилий таълимотига эргашгани каби асоссиз даъволарга раддия вазифасини ўтайди.

Шунингдек, «Мезон ал-усул» асарида муаллифнинг ҳар бир масалада «аҳли ҳадис» қарашларини ҳанафий усулига қиёсан келтириши, қиёсий фикр ва хилоф илми борасида ҳам қўлланма бўла олишини кўрсатади. Ушбу услубнинг яна бир жиҳати, усул илмига оид ҳар бир масалада ҳанафийларнинг бошқа мазҳаб вакиллари билан фарқли жиҳатларини яққол мисоллар билан топиш имконини беради.

XII асрда Мовароуннаҳр ҳудудида вужудга келган фикр илми соҳаларидан бири муфтийнинг фатво бериш асосларига доир илм соҳаси саналади. Ушбу илм «*رسم المفتي*» (Расм ал-муфтий – Муфтий учун қўлланма) ёки «*أصول الإفتاء*» (Усул ал-ифто – Фатво бериш асослари) номлари билан аталади. Замонамизнинг кўзга кўринган ҳанафий олимларидан Салоҳ Абул Ҳожга кўра, «Расм ал-муфтий» илми икки

қисмдан иборат. Биринчиси, фикр илмига тегишли фатво бериш қоидаларини ўзлаштириш, иккинчиси, фикр илмига тегишли замонавий муаммолардан хабардор бўлиш ҳамда уларни таҳлил қила олиш. Шунинг учун, ўзининг замонига тегишли муаммоларни билмаган одам олим бўлолмайди, дейилган (Салоҳ Абул Ҳож, 2021:48).

Замонавий муаммоларга ечим сифатида фатво бериш борасидаги дастлабки тўлиқ маълумот Фаҳруддин Қозихоннинг (ваф. 592-1196 й.) «Фатовои Қозихон» асарининг «Расм ал-муфтий» фаслида учрайди. Фатво бериш асослари гарчи, ҳанафий мазҳаби асосчиларидан бири Абу Юсуф томонидан «Адаб ал-қозий» асарида келтирилган бўлган. Бироқ, ҳанафий мазҳаби ривожланиш даражалари кенгайгач, мазҳабнинг хусусиятлари, мужтаҳидга қўйилган шартлар ва мазҳаб манбалари даражалари борасида янгича тартиб-қоидаларни ишлаб чиқиш зарурати пайдо бўлди. Мазкур ишга дастлаб Фаҳруддин Қозихон Фарғоний аҳамият қаратди. Олим «Расм ал-муфтий» фаслида ҳанафий мазҳаби манбалари даражалари, мазҳаб имомларидан ривоят қилинган ихтилофли масалаларда таржих қилиш услублари, баъзи ҳанафий фақиҳларининг устун жиҳатлари, таржих қилишга имкон қолмаганда бажариш лозим бўлган мужтаҳиднинг фатво олиш услубларини баён қилган (Фаҳриддин Қозихон, 2009:9).

Фаҳруддин Қозихон томонидан ёритилган юқоридаги маълумотлар унинг замондоши Сирожуддин Ўшийнинг (ваф. 575/1179 й.) «ал-Фатово ас-Сирожия» асарида «Муфтий одоблари» номли мустақил бобда ҳам ёритилган. «ал-Фатово ас-Сирожия»даги маълумотлар «Фатовои Қозихон»дан аввал ёзилгани эътиборга олинса, асарнинг маълумотлари бу борада қадимийроқ экани билинади. Бироқ, «ал-Фатово ас-Сирожия» гарчи кенгроқ ёритилган бўлса ҳам ундаги маълумотлар асосан фатво берувчи ва сўровчининг одобига оид. Шу билан бирга, муаллиф мазҳабдаги фатво даражалари ҳақида ҳам кўплаб қимматли маълумотларни тақдим этган. Жумладан, Ибн Обидин «Расм ал-муфтий» асарида «ал-Фатово ас-Сирожия»дан қуйидагиларни келтиради: «Сўнгра, мутлақ ўринда фатво Абу Ҳанифанинг қавлига кўрайдир. Кейин, Абу Юсуфнинг қавли, сўнг, Имом Муҳаммаднинг қавли, сўнгра, Зуфар ва Ҳасан ибн Зиёднинг қавлларига кўра берилади. Агар,

Абу Ҳанифа бир томон, шогирдлари бир томонда бўлса, муфтий фатво чиқаришда ихтиёрий бўлади. Агар, муфтий мужтаҳид бўлмаса, аввалгиси (яъни, Абу Ҳанифанинг қавли) ишончлироқдир», дейилади (Муҳаммадамин ибн Обидин, 2021:389).

Фатво бериш асослари йўналиши шомлик ханафий олим Муҳаммадамин ибн Обидин (ваф. 1252/1836 й.) томонидан мустақил илм сифатида шакллантирилди. Мазкур олим «Уқуд расм ал-муфтий» асарида фатво бериш асосларида ўзидан олдин ёзилган манбалардан фойдаланган. Жумладан, Фахруддин Қозихоннинг «Фатово Қозихон» асаридаги «Расм ал-муфтий» фасли, Сирожуддин Ўшийнинг «ал-Фатово ас-Сирожия»сидаги «Муфтий одоблари» бобига кўплаб мурожаат этган. Шунингдек, мазкур илмга тегишли замонавий манбалардан Тақий Усманийнинг «Усул ал-ифто» ва Мустафо Зарқонинг худди шу номдаги «Усул ал-ифто» асарлари ҳам Фахруддин Қозихон Фарғоний ва Сирожуддин Ўшийнинг келтирган маълумотларига таянилган.

## ХУЛОСА

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкин-ки, XIII асрда Мовароуннаҳр ханафий фақиҳлари томонидан фикхий истилоҳлар, кироатдаги хатолар, фатво бериш асослари, хилоф илми каби соҳаларга асос солинди. Шунингдек, мазкур даврда Мовароуннаҳр фақиҳлари фуру масалаларида ўзларидан олдинги Ироқ фақиҳлари томонидан бошқа мазҳаблар усул қоидаларига асосланган тарзда чиқарилган фаръий масалаларда мустақил ижтиҳод юритганлар.

Алоуддин Самарқандий каби минтақанинг йирик фақиҳлари томонидан ханафий мазҳаби усул қоидаларини бошқа мазҳаб қарашларидан ҳоли тарзда ишлаб чиқишда амалга оширилган ишлар Мовароуннаҳр фақиҳлари ижодида ҳам акс этган. Натижада Самарқанд фикҳ мактаби фақиҳларининг фуру ал-фикҳ соҳасида Ироқ ва Балх фақиҳларидан фарқли тарзда фатво беришларига сабаб бўлган.

Нажмуддин Насафий томонидан ханафий мазҳаби истилоҳларини ўрганиш мустақил фан сифатида шакллантирилиши, кироатдаги хатоликларга доир дастлабки асарнинг ёзилиши ҳамда XIII асрда Самарқандда фаолият юритган

фақиҳлар тўғрисида маълумот берувчи «ал-Қанд фи зикри уламои Самарқанд» асарининг ёзилиши каби илмий янгиликлар амалга оширилди.

Мовароннаҳрнинг Фарғона водийсидан етишиб чиққан олим Имоуддин Ломиший «Машрик ал-анвор фи Мушкил ал-осор» ва «ал-Муқаддима фи раф ал-ядайн фи ас-салот» асарларини ёзди. Ушбу икки асарда олим ханафий мазҳабининг ҳадислардан ҳукм олиш услубларини очиб бериш баробарида шофеий мазҳабига қарши далилларни зикр қилади.

XIII асрда Минтақада қиёсий фикҳ билан шуғулланиш ҳам ривож топди. Бу борада Сирожуддин Ўший томонидан Нажмуддин Насафийнинг «ал-Манзума фи ал-хилофиёт» асарига ёзилган шарҳида тўрт мазҳаб асосчилари қарашларини таҳлил қилинган ҳамда ханафий мазҳабининг устун жиҳатларини кўрсатиб ўтилган.

## МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ

1. Абу Бакр Жассос. (1994). Ал-Фусул фи илм ал-усул, Ж. 1. Қувайт: Визаро ал-авқоф ва аш-шуун ал-исламия.
2. Абул Ҳасан Кархий. (2007). Усул ал-Кархий. Қоҳира: Мактаба ал-Хонижий.
3. Абу Муҳаммад Абдулқодир ал-Қураший ал-Ҳанафий. (2008). Ал-Жавоҳир ал-Музия фи табақот ал-ҳанафия, Ж. 1. Қоҳира: Дор ал-хижр.
4. Абу Зайд Дабусий. (2001). Таквим ал-адилла. Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя.
5. Алоуддин Самарқандий. (1984). Мезон ал-усул фи натоиж ал-уқул. Доҳа: Матобе Доҳа.
6. Алоуддин ибн Балабан Ҳанафий. (2019). Танбеҳ ал-хотир ала залла ал-қори ва аз-зоқир. Байрут: Дор ал-лубоб.
7. Доктор Салоҳ Абул Ҳож. (2021). Исъад ал-муфтий. Байрут: Дор ал-башоир ал-ислабийя.
8. Имом Нававий. (2008). Ал-Мажмуъ шарҳ ал-Муҳаззаб, Ж. 1. Жидда: Мактаба ал-иршод.
9. Meirbek Kalmanov. (2020). XI-XII-y. Y'da hânefi-mâtürîdî mezhebinin yayilmasında Mâverâünnehîrli ulemânin rolü. Konya: Necmettin Erbakan Universitesi.
10. Муҳаммадамин ибн Обидин. (2021). Шарҳ Уқуд ар-Расм ал-муфтий. Байрут: Дор ал-башоир ал-ислабийя.
11. Нажмуддин Насафий. (1991). Ал-Қанд фи зикри уламои Самарқанд. Саудия арабистони: Мактаба алқавсар.

12. Сирожуддин Ўший. (2011). Ал-Фатовои ас-сирожиия. Йоханнесбург: Дор улум Закариё.
13. Sönmez Kutlu. (2017). Türk Müslümanlığı Üzerine Yazılar (Hanefilik-Maturidilik-Yesevîlik), (İstanbul: Ötüken Yayınları 2017) s.16.
14. Шамсулаимма Сарахсий. (2010). Муқаддима Усул ал-фиqh, Ж. 1. Ҳайдаробод: Лажна ихё ал-мариф ан-нуъмония.
15. Фахруддин Қозихон. (2009). Фатовои Қозихон, Ж.1. Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя.
16. Хатиб Бағдодий. (2015). Тариху Бағдод. Ж. 1. Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия.
17. Хайруддин Зириклий. (2002). Ал-Аълум. Ж. 4. Байрут: Дор ал-илм ли ал-малайин.
18. Wilferd Madelung. (2002). The westward Migration of Hanafi Scholars From Central Asia in the 11th to 13th Centuries. Ankara Universitesi Ilahiyat Fakultesi Dergisi 43.
13. Sönmez Kutlu. (2017). Türk Müslümanlığı Üzerine Yazılar (Hanefilik-Maturidilik-Yesevîlik). İstanbul: Ötüken Yayınları.
14. Shams al-A'imma al-Sarakhsi. (2010). Muqaddima Usul al-Fiqh (Vol. 1). Hyderabad: Lajna Ihya al-Ma'arif al-Nu'maniyya.
15. Fakhr al-Din al-Qadikhan. (2009). Fatawa al-Qadikhan (Vol. 1). Beirut: Dar al-Kutub al-'Ilmiyya.
16. Al-Khatib al-Baghdadi. (2015). Tarikh Baghdad (Vol. 1). Beirut: Dar al-Kutub al-'Ilmiyya.
17. Khayr al-Din al-Zirikli. (2002). Al-A'lam (Vol. 4). Beirut: Dar al-'Ilm li al-Malayin.
18. Wilferd Madelung. (2002). The Westward Migration of Hanafi Scholars From Central Asia in the 11th to 13th Centuries. Ankara Universitesi Ilahiyat Fakultesi Dergisi, 43.

#### REFERENCES

1. Abu Bakr al-Jassas. (1994). Al-Fusul fi 'Ilm al-Usul (Vol. 1). Kuwait: Wizarat al-Awqaf wa al-Shu'un al-Islamiyya.
2. Abu al-Hasan al-Karkhi. (2007). Usul al-Karkhi. Cairo: Maktabat al-Khanji.
3. Abu Muhammad 'Abd al-Qadir al-Qurashi al-Hanafi. (2008). Al-Jawahir al-Mudiyya fi Tabaqat al-Hanafiyya (Vol. 1). Cairo: Dar al-Hijr.
4. Abu Zayd al-Dabusi. (2001). Taqwim al-Adilla. Beirut: Dar al-Kutub al-'Ilmiyya.
5. Ala' al-Din al-Samarqandi. (1984). Mizan al-Usul fi Natayij al-'Uqul. Doha: Matabi' Doha.
6. Ala' al-Din ibn Balban al-Hanafi. (2019). Tanbih al-Khatir 'ala Zalla al-Qari wa al-Dhakhir. Beirut: Dar al-Lubab.
7. Dr. Salah Abul Hajj. (2021). Is'ad al-Mufti. Beirut: Dar al-Bashair al-Islamiyya.
8. Imam al-Nawawi. (2008). Al-Majmu' Sharh al-Muhadhdhab (Vol. 1). Jeddah: Maktabat al-Irshad.
9. Meirbek Kalmanov. (2020). XI-XII y.'da Hanêfi-Mâtûrîdî Mezhebinin Yayılmasında Mâverâünnehirli Ulemânın Rolü. Konya: Necmettin Erbakan Universitesi.
10. Muhammad Amin ibn 'Abidin. (2021). Sharh 'Uqud al-Rasm al-Mufti. Beirut: Dar al-Bashair al-Islamiyya.
11. Najm al-Din al-Nasafi. (1991). Al-Qand fi Dhikr 'Ulama' Samarqand. Saudi Arabia: Maktabat al-Kawthar.
12. Siraj al-Din al-Ushi. (2011). Fatawa Sirajiyya. Johannesburg: Dar al-'Ulum Zakariyya.

